

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЯШАШ МАНЗИЛЛАРИДАН  
УЗОҚ МУДДАТГА КЕТГАН ШАХСЛАР БҮЙИЧА ИШЛАШ  
ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ  
РУЗМАТОВ ЗОХИДЖОН ХУШНУДБЕК ЎГЛИ*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича тавлим олаётган курсанти*

**АННОТАЦИЯ:**

Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, обекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқбузарликланинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги холат, шунингде ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

**Шартли қисқартмалар:**

**ИИО**-ички ишлар органлари;

**ТП** – Таянч пункти;

**МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;

**ЖК** – Жиноят кодекси;

**ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;

**ХМҚО** – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;

**ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;

**ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;

**ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган шаҳслар тўғрисидаги малумотлар доимий равишда йиғиб, таҳлил қилиб борилади.

Сўнгти йилларда ушбу йўналишда мамлакатимизда аниқ қадамлар ташланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан бир қатор давлатлар имзолаган битимларга асосан фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш тартиблари аниқ белгилаб берилди ва дипломатик паспортга эга бўлган айрим чет эл фуқароларига эса мамлакатимиз худудига визасиз келиб-кетиш ҳуқуки берилди.

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари учун эса, ўз навбатида, ташки иқтисодий фаолият эркинлиги ҳамда республика иқтисодиётининг хорижий

инвестициялар учун очиқлиги, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириши ва республикамизда бўлиши учун мавжуд бўлган кўплаб маъмурий тақиқлар ва чекловларнинг олиб ташланиши, ишбилармонлик алоқалари ва туризмнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Италия, Испания, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Латвия ва бошқа бир қатор хорижий давлатлар фуқаролари учун мамлакатимизга виза асосида келиб-кетишлари тартиблари соддалаштирилди ва қулайликлар яратилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳам турли мақсадларда хорижий мамлакатларга чиқишлари учун имтиёзлар сони ошиб бормоқда.

Узоқ муддат тушунчасига тўхталадиган бўлсак ўзбек тилининг изоҳли лугатида «узоқ» атамаси «вақт эътибори билан давомли, катта, кўп» маъноларини бериши кўрсатилган<sup>8</sup>. Бироқ, амалдаги қонунларда «узоқ муддат»нинг аниқ ҳукуқий тушунчаси берилмагани сабабли, турли ҳукук соҳаларида ушбу тушунчага турлича меъёрлар назарда тутилади. Жумладан, амалдаги Жиноят кодексининг 105-моддасида «...соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида 21 қун ёмонлашуви...» деб белгиланган бўлса, Фуқаролик кодекси<sup>9</sup>нинг 43-моддаси мазмунида узоқ муддат сифатидан 10 кундан ортиқ муддат белгиланган.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 76-моддасида узоқ муддатли учрашув вақти 3 суткадан 5 суткагача белгиланган бўлса, Мехнат кодексининг 34-моддасида 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат йиллик асосий таътил сифатида, 35-моддада йиллик узайтирилган асосий таътиллар муддати 30 календарь кун, айрим тоифадаги ходимларга эса ундан ҳам кўп қилиб белгиланган.

Фуқароларнинг узоқ муддатга чет элга чиқиши ва қайтиб келиши амалиёти таҳлилига асосан, узоқ муддатга чет элга чиқиши деганда уларнинг

1 ойдан кам бўлмаган муддатга чиқишлиарини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

**Узоқ муддатга кетган шахс** – доимий яшаш манзилидан турли сабабларга кўра, яъни: ишлаш, даволаниш, дам олиш, саёҳат қилиш, хизмат сафари, ўқиш, танишларини кўриб келиш ва бошқа мақсадларда республика худудидан уч ойдан кам бўлмаган муддатга чиқиб кетган шахслар.

Бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг узоқ муддатга чет эл давлатларига чиқишлиари ва қайтиб келиш жараёнларини тизимли равишда ташкил этиш ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Шу сабабли ҳам узоқ муддатга чет эл давлатларига кетганлар билан ишлаш ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланаб, у билан тизимнинг деярли барча соҳавий хизматлари

шүғулланмокдалар. Айниқса, фуқароларнинг қонунга хилоф тарзда бошқа давлатларга чиқиб кетишларининг олдини олишда ички ишлар органлари, хусусан, профилактика, тезкор-қидирув, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ва бошқа бир қатор хизматларининг роли катта.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишилари тартибини белгилаб берувчи бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ПФ-5005-сонли Фармони, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (14.03.2017 йил) ПҚ-2833-сонли, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (12.04.2017 йил) ПҚ-2883-сонли ва «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (18.04. 2017 й.) ПҚ-2896-сонли, «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги (05.07.2017 йил) ПФ-5106-сонли, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги (14.02.2018 йил) ПҚ-3528-сонли, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (19.06.2018 йил) ПҚ-3786-сонли қарорлари сингари норматив-хукуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши асосида ички ишлар органлари профилактик фаолиятида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, улар юқори босқичга кўтарилиди.

Мазкур норматив-хукукий ҳужжатларда хуқуқбузарликлар профилактикаси, шунингдек ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг янги тизими шакллантирилди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишилари тартибини белгилаб берувчи бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, узоқ муддатга чет элга кетган фуқароларнинг айримлари турли хил оғир касалликларни юқтириб олиб, яшаш манзилига қайтиб келганидан кейин билиб билмай уларнинг тарқатувчиларига айланиб қолмоқда. 2016 йил 16 сентябрьдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни 11

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўшма қарори “Узоқ муддат хорижий

давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқароларга тиббий кўрикни ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида узоқ муддатга чет элга кетган фуқароларнинг айримлари турли хил оғир касалликларни юқтириб олиб, яшаш манзилига қайтиб келганидан кейин билиб билмай уларнинг тарқатувчиларига айланиб қолмаслигини олдини олиш чоралари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига келиб тушган маълумотларга кўра, чет элда узоқ муддатда бўлган фуқароларимиз турли салбий ҳолатлар, яъни йўл-транспорт, ёнғин ва бошқа ҳодисалар туфайли вафот этган ёхуд одам савдоси ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятларнинг қурбони бўлган.

Охирги вақтларда жаҳон миқёсида рўй берадиган воқеаларнинг таҳлили дин ниқоби остидаги турли кучларнинг маълум бир давлат ёки минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини издан чиқариш йўли билан амалдаги ҳокимиятни эгаллашга қаратилганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Сурия, Миср, Покистон ва бошқа давлатларда содир бўлаётган ижтимоий бекарорлик сиёсий мақсадларни кўзламоқда. Бунга эришиш йўлида диний экстремизмнинг ғоявий қарашларидан ва турли террорчилик ҳаракатлари орқали тинч аҳоли орасида кўркув ҳамда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик руҳини уйғотиш каби усууллардан кенг фойдаланилган.

Профилактика инспекторининг яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган шахслар аниқлаш ва улар бўйича ишлаш тартиби.

Фуқороларнинг ҳорижий давлатларига чиққанликлари ҳолатини, уларнинг мақсадлари ва қаерга кетганликларини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, узоқ муддатларга чет элга чиқаётган фуқаролар бу ҳақда ҳудудий профилактика (катта) инспектори ёки ички ишлар органларига хабар бермайдилар. Шунингдек, узоқ муддатга чет элга чиққан яқин қариндошлари ҳақида тегишли идоралар ёки ҳудудий профилактика инспекторларига белгиланган тартибда хабар берадиган фуқаролар ҳам камдан-кам топилади. Ушбу ҳолат ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, хусусан, ҳудудий профилактика инспекторларидан бундай тоифа фуқароларни, уларнинг қаерга ва нима мақсадда кетганлигини турли хил, жумладан тезкор йўллар билан аниқлашни талаб этади.

Узоқ муддатга кетган шахсларни аниқлаш – доимий яшаш манзилидан турли мақсадларда узоқ муддатга республика ҳудудидан чиқиб кетган шахслар ҳақида тегишли манбалардан зарур маълумотларни олиш ҳамда олинган маълумотларни тезкор йўллар билан текшириб кўриш.

Профилактика инспектори ички ишлар органлари ходимлари доимий яшаш манзилидан турли сабабларга кўра узоқ муддатга чет элга кетган ва қайтиб келган шахсларни аниқлаб ҳар бири бўйича “Узоқ муддатга кетган шахс хақида маълумот” варақасини тўлдириб, тезкор хизматларга тақдим этиб боради, узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахсларни, уларнинг чиқиб кетиш мақсадларини аниқлаш, бу тоифадаги шахслар, уларнинг яқинлари билан тушунтириш, огоҳликка чақириш, виктимологик ва тезкор- профилактик ишларни олиб бориш, улар орасидан одам савдоси, наркотрафик, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этишга ёки уларнинг қурбони бўлишга мойил бўлган шахсларни, уларнинг жиноий алоқаларини аниқлаш, шунингдек диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятга алоқадорлигини текшириш, уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш ва унга чек қўйиш мақсадида мунтазам равишда керакли чора- тадбирларни амалга ошириб боришлари лозим.

Профилактика инспектори хизмат ҳудудида яшаш манзилидан узоқ муддатга кетган фуқароларни қўйидаги йўллар билан аниқлайди:

- маъмурий ҳудудда хизмат вазифаларини бажариш жараёнида турли хилдаги хизмат ҳужжатлари билан ишлаш, уларни ўрганиш орқали;
- маҳалла ҳудудидаги хонадонлар, ётоқхоналар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш жараёнида;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида;
- маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари, хотин- қизлар бошланғич ташкилоти вакиллари, кўча боши, уй боши, йўлак бошилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан бўлган сухбатларда олинган маълумотлар асосида узоқ муддатга кетган шахсларни аниқлайди;
- шаҳар жойлардаги кўп қаватли уйларда рўйхатга олинган, бироқ узоқ вақт давомида уйида истиқомат қилмаётган фуқароларни маҳаллаларда тузилган хусусий уй-жой мулқдорлар ширкатларидан олинган маълумотлар асосида;
- ҳудудда назорат ишларини олиб боришда фуқаролар билан бўлган сухбатларда улардан олинган маълумотлар асосида;
  
- касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумий ўрта таълим мактабларидан узоқ муддат ўқишига келмаётган ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар асосида;
- корхона, муассаса ва ташкилотлардан узоқ вақт ишга келмаётган шахслар ҳақидаги олинган маълумотлар асосида;

- соғлиқни сақлаш органларидан касалликка қарши эмлаш ишларини амалга ошириш жараёнида яшаш жойида йўқ бўлган ёхуд белгиланган вактларда тиббий кўриқдан ўтишга келмаган шахслар ҳақидаги маълумотлар асосида суриштириш ишларини амалга ошириш орқали;
- «Электртаъминот», «Иссиқсувқувват», «Газ таъминоти унитар корхонаси» ва шу каби бошқа ташкилотлардан электр, иссиқлик энергияси, сув ва газдан фойдаланганлик учун тегишли коммунал тўловларда.

Профилактика инспектори чет эл давлатларига саёҳатга, дам олишга, ишлашга, малака оширишга, яқин қариндошларини кўришга, ўқишга кетиб, белгиланган вақтда қайтиб келмаган фуқароларнинг рўйхатини тузади. Уларнинг яқин қариндошлари билан сұхбатлашиб, суриштириб қариндошларининг ўз вақтида келмаганлик сабабларини ўрганади, айни қайтиб келиш муддати ва бошқа зарур маълумотларни аниқлайди.

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг узоқ муддатга чет эл давлатларига чиққанлиги ҳолатини аниқлаш мақсадида, учта даражада ишчи гурухлар ташкил этилган. Булар:

- ҳокимликлар даражасидаги (вилоят, туман, шаҳар узоқ муддат худудий штаби) «Узоқ муддат» ишчи гурухлари;
- шаҳар, туман ички ишлар идоралари даражасидаги «Узоқ муддат» ишчи гурухлари;
- маҳалла фуқаролар йигинлари даражасидаги «Узоқ муддат» ишчи гурухлари.

Ҳокимликлар даражасидаги Узоқ муддат худудий штаби таркибиغا вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари, ИИБ бошликлари, прокурорлар, Давлат хавсизлик хизматининг масъул ходимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла хайрия жамоат фонди раислари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқарма (бўлим)лари, солик, соғлиқни сақлаш органлари бошликлари, имом хатиблар киритилади.

Туман (шаҳар) ИИБда ташкил этилган «Узоқ муддат» штаби таркиби туман (шаҳар) ИИБ бошлигининг жамоат хафсизлиги хизмати бўйича ўринбосари – ҲПБ бошлиғи, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, тезкор-қидирув, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг раҳбарлари киритилади.

Маҳалла фуқаролар йигинида ташкил этилган «Узоқ муддат» ишчи гурухлари таркиби маҳалла фуқаролар йигини раиси, профилактика инспектори, маҳалла имом хатиби, маҳалла фаоллари, маҳаллага бириктирилган газ, сув, электр таъминоти ходимлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасаларининг масъул ходимлари киритилиши мумкин.

«Узоқ муддат» ишчи гурухларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахсларнинг ҳақиқий сонини аниқлаш, уларнинг қаерга ва нима мақсадларда, қандай муддатга кетганлиги, ҳозирги вақтда яшаётган вақтингчалик манзили, қандай иш ва юмуш билан билан шуғулланаётганлиги, телефон рақами ҳақида батафсил маълумотлар олиш, доимий яшаш жойларига қайтиб келган шахслар билан тезкор-профилактик тадбирлар олиб бориш ва бу борадаги ишларни самарадорлигини янада яхшилашдан иборат.

Ушбу «Узоқ муддат» ишчи гурухлари таркибида бир неча гурухлар фаолият олиб бориши белгиланган бўлиб, шулардан бири «Фильтр гуруҳи»дир. «Фильтр гуруҳи»га туман, шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринbosари бошчилик қилади. «Фильтр гуруҳи» раҳбарининг ўринbosари туман, шаҳар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи бўлади, гуруҳ аъзолигига тезкор вакил, профилактика инспектори ва эксперт криминалист киритилиши мумкин.

#### **«Фильтр гуруҳи»нинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- узоқ муддатга кетган шахсларнинг рўйхатини тузиш ва таҳлил қилиш;
- узоқ муддатга кетган фуқароларнинг қаерга ва нима мақсадда кетганлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш;
- чет мамлакатларда узоқ муддат яшаб яшаш манзилларига қайтиб келган фуқаролар билан сұхбатлар ўтказиш;
- уларнинг диний экстремистик оқимларга аъзо бўлганликларини, мамлакатимизга тақиқланган адабиётлар, флешка, дисклар олиб кирганлигини аниқлайди;
- одам савдаси ва бошқа трансмиллий жиноятларга алоқадорлиги бўйича текширишларни олиб бориш;
- чет давлатларда фуқаролик паспортларини йўқотиб келган фуқаролар билан тезкор профилактик сұхбатлар ўтказиш, уларнинг жиноятларга алоқадорликларини аниқлаш;
- қидирудва юрган шахсларни аниқлаш;
- Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликдаги ишларни олиб бориш;
- ҳар кунлик ҳисоботларни ИИБ Терроризмга қарши курашиш бошқармасининг Одам савдосига қарши курашиш ва узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш бўлимига юбориш.

Узоқ муддатга кетган шахслар билан ишлаш- доимий яшаш манзилларидан турли мақсадларда узоқ муддатга республика ҳудудидан чиқиб кетган шахсларни, уларнинг чиқиб кетиш мақсадларини аниқлаш, ҳисобини

юритиши, бу тоифадаги шахслар, уларнинг яқинлари билан тезкор- профилактик ишларни олиб бориши, улар орасидан трансмиллий (одам савдоси, наркотрафик, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ) жиноятлар содир этишга мойил бўлган шахсларни, уларнинг жиноий алоқаларини аниқлаш, шунингдек, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятга алоқадорлигини текшириш, уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш ва унга чек қўйиш мақсадида мунтазам равишда тезкор-қидириув ва профилактик тадбирларни олиб боришига айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига 15 кўра, маҳалла фуқаролар йиғини тегишли худудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади деб белгилаб берилган. Шу боисдан ички ишлар органлари, бевосита профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши, хусусан улардан яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахсларнинг маълумотларини олиши ва таҳлил этиб бориши учбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» 16ги қонунга асосан, узоқ муддатга кетган шахсларнинг ҳисобини юритишида маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши белгилаб ўтилган. Шунинг учун ҳам узоқ муддатга чет элга чиққан ва қайтиб келган фуқароларни ҳисобга олиш у истиқомат қиласиган маҳалла фуқаролар йиғини базасида амалга оширилмоқда.

Жойларда узоқ муддатга чет элга чиқиши юзасидан мурожаат этган ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан яшаш ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва ички ишлар идораларининг ҳудудий профилактика инспектори билан якка тартибдаги профилактик ва виктимологик сұхбатдан ўтганидан сўнг уни маҳалла фуқаролар йиғинида юритиладиган «Узоқ муддатга чет элга чиққан ва қайтиб келган маҳалла (қишлоқ, овул) фуқароларини қайд этиш китоби»да белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан кейин тегишли маълумотнома берилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган шундай маълумотнома ички ишлар идоралари хорижга чиқиши, келиш ва фуқароликни

расмийлаштириш хизматларида фуқаронинг чет элга чиқишига рухсат бериш учун тақдим этилиши мажбурий бўлган ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Профилактика инспектори яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган фуқароларнинг турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолиши, одам савдоси жиноятининг қурбонига айланиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида қўйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- фуқароларга хорижий давлатларга ноқонуний (нолегал) йўллар билан чиқишининг оқибатларини, одам савдоси ва бошқа жиноятларнинг қурбони бўлиб қолишлари мумкинлигини мисоллар орқали тушунтириши;
- фуқароларнинг диний экстремистик ва террорчи оқимларнинг таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш учун аҳолига хорижий давлатларда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумотлар бериши;
- фуқароларнинг яшаш жойларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда, ётоқхоналарда паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши назорат тадбирларини ўтказиш ва бу жараёнда узоқ муддатга кетган шахслар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва таҳлил этиш ҳамда шахсларнинг қаердалигини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши;
- тезкор хизмат ходимлари билан узоқ муддатга кетган шахслар бўйича тезкор-профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, ишончли манбаларга топшириқ бериш, хуфиёна текширувлар ўтказиши;
- фуқаролар ўртасида хорижий давлатларга ноқонуний (нолегал) йўллар билан чиқишининг оқибатларини тушунтириш мақсадида маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223- моддаси, МЖТКнинг, 226 ва 227-моддалари 17 талаблари ва уларда белгиланган жавобгарлик ҳақида маъruzalар ўқиши, ушбу мавзуларда давра сұхбатлари ўтказиши;
- фуқароларнинг одам савдоси ва бошқа жиноятларнинг қурбони бўлиб қолишларининг олдини олиш мақсадида улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, унинг салбий оқибатлари бўйича тайёрланган кино ва видеофильмлар намойиш этиши;
- мунтазам равишда маъмурий худудда фуқаролар, маҳалла фаолларидан олинаётган уйида узоқ муддат бўлмаётган шахслар ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш, улар юзасидан текширувлар ва суриштирувлар ўтказиш, бунинг учун уларнинг яшаш жойларига бориш, яқин қариндошлари, яқин алоқадаги танишларидан сўраш, шунингдек Ахборот маркази ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларни ҳисобга олиш базасидан маълумотлар олиб туриш, уларнинг устидан хуфиёна текширувлар ўтказиш, ишончли манбаларга топшириклар бериши;

– тезкор хизмат ходимлари билан узоқ муддатга кетган шахслар бўйича тезкор-профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиши, ушбу режалар асосида узоқ муддатга кетган шахсларнинг яқин алоқадаги танишлари ва қариндошлари устидан назорат ўрнатиш, улар бўйича ишончли манбаларга топшириқлар бериши;

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ахолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий қўллаб-кувватлаш, ишсизликни бартараф этиш ва фуқароларни иш билан таъминлаш чораларини қўриш, ушбу вазифаларни бажариш мақсадида маъмурий ҳудудда кам таъминланган оиласарни аниқлаш ва уларга нафакалар тайинлаш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларига таклифлар киритиш, маъмурий ҳудудда меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш ва уни аҳоли орасида тарғиб қилиш.

Профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларидан ҳисобдан ўтмасдан узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахслар аниқланган ҳолларда қўйидагилар амалга оширилади:

– профилактика (кatta) инспектори узоқ муддатга кетган шахснинг доимий яшаш жойи бўйича суриштириш ишларини амалга ошириб, шахснинг ота-онаси, турмуш ўртоғи ва бошқа яқин қариндошлари билан суҳбат ўтказади. Суҳбат жараёнида узоқ муддатга кетган шахснинг оила аъзоларига турли чет эл давлатларига кетган шахслар жиноятга қўл ураётганликлари учун озодликдан маҳрум этилаётганлиги, жиноят қурбонига айланиб, одам савдоси қурбони бўлаётганлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради ҳамда уларга қариндоши билан алоқада бўлганида унинг қаердалиги, қандай фаолият билан шуғуланаётганлиги ҳақида олган ҳар қандай маълумотни ички ишлар органига маълум қилишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириш чораларини қўради, шунингдек улардан қариндошининг узоқ муддатга кетишининг тўлиқ тафсилоти бўйича тушунтириш хатларини олади;

– узоқ муддатга кетган шахснинг қўни-қўшнилари ва яқин алоқада бўлган шахслар билан суҳбатлашиб, улардан яқин танишини қачон охирги марта кўрганлиги, қайси мамлакатга ва нима мақсадда кетганлиги, ким билан қачон кетганлиги ҳақидаги маълумотларни сўраб-суриштириб, кўрган-билинлари ҳақида тушунтириш хатларини олади;

– хизмат кўрсатиш ҳудудида истиқомат қилувчи доимий яшаш манзилидан узоқ муддатга чет эл давлатларига кетган ва қайтиб келган шахсларни аниқлаш чораларини қўриб, ҳар бир шахс бўйича маълумотларни белгиланган тартибда китобларда қайд этиб боради.

**Профилактика инспекториоимий яшаш жойидан узоқ муддатга чет элга кетган шахлар бўйича қўйидаги тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширади:**

- а) доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетган шахс юзасидан шубҳали маълумотлар (диний экстремистик оқимларга кирганлиги, мойиллиги, уюшган жиноий гурӯхларга аъзолиги ва бошқалар) олинганда ички ишлар органлари раҳбариятига ва тезкор хизматларга билдириги орқали маълум қилинади;
- б) тезкор хизмат ходими билан профилактика инспекторининг узоқ муддатга кетган шахс бўйича “Тезкор-профилактик тадбирлар18” режасини ишлаб чиқиш, уни раҳбариятга тасдиқлатиш ва ундаги тезкор-профилактик тадбирлар ижросини таъминланади;
- в) узоқ муддатга кетган шахс бўйича маҳсус тоифадаги шахсларга топшириқ бериш ва ундан олинган ахборотлар юзасидан текширувлар ўтказилади.

Ҳукуқбузарликларнинг оқибатларини олдини олишдан унинг барвақт профилактикасини ташкил этиш муҳим эканлигини инобатга олиб, профилактика инспектори таълим муассасалари билан ҳамкорликда касб-хунар коллажлари, академик лицей ва мактабларда муунтазам “Давомат” тадбирларини амалга ошириб боришлири, ўқишига узоқ вақт келмаган ўқувчилар аниқланганда, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаши, айборларга нисбатан тегишли маъмурий таъсир чораларини кўрилишини ташкил этиши лозим. Мазкур йўналишда вояга етмаганларга доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетишининг оқибатлари тушунтириш, бу борада видеороликлар, кинофильмлар намойиш қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимизда олиб бориласетган ислоҳотлар замирида фуқоролар ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларининг устин еканлиги ўз аксини топди.

Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқароларга тиббий кўрикни ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги 17–сонли қўшма қарорига асосан ҳориждан келган ҳар бир республикамиз фуқороси қонунчиликда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтадилар.

Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқаролар қонунчиликда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтадилар.

Узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг тиббий кўриклари давомида касаллик аниқланган ҳолатда уларга ўз вақтида ва малакали даво ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳар чорак якунида узоқ муддат хорижий давлатда бўлиб яшаш манзилига қайтган ёки одам савдосидан жабрланган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар худудлар кесимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар билан тиббий кўрикдан ўтказилган фуқаролар ҳақидаги ҳисоботларни солиштиради, таҳлил қиласи ҳамда натижасига кўра тегишли чора-тадбирлар белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар чорак якунида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг таҳлилий ишчи гуруҳига маълумот тақдим этади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт гоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймокда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ҳалқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Ҳалқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Ҳалқ сўзи.–2020.–8 дек.